

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОЙМАРДОНОВ БАХТИЁР ХОЛНАЗАРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА ОВҚАТ ҲАЗМ
ҚИЛИШ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИГА
ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шоймардонов Бахтиёр Холназарович

Ўзбекистон иссиқ иқлим шароитларида овқат ҳазм қилиш тизими
касалликлари профилактикасига тизимли
ёндашув.....

3

Шоймардонов Бахтиёр Холназарович

Системный подход к профилактике заболевания пищеварительной
системы в условиях жаркого климата Узбекистана.....

25

Shoymardonov Bakhtiyor Kholnazarovich

A systematic approach to the prevention of digestive system diseases in the
hot climate conditions of
Uzbekistan.....

47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОЙМАРДОНОВ БАХТИЁР ХОЛНАЗАРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА ОВҚАТ ҲАЗМ
ҚИЛИШ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИГА
ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Tib5132 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шайхова Гули Исламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамракулова Мукаддасхон Аскаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Тухтаров Бахром Эшназарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

С.Д.Асфендияров номидаги Қозогистон миллий тиббиёт университети (Қозогистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақами Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-йй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўкув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-йй; Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўкув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да куни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.И. Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.Т. Искандарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари ўлим ва ногиронликка сабаб бўлаётган асосий 10 та гурухга киритилган касалликлар қаторига киради. Муаллифлар таъкидлашича, Африка ва Осиё қитъасидаги иссиқ иқлими минтақаларда улар 2-3 баробар кўпроқ учрайди. Сўнгти ўн йилларда овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари глобал соғлиқни сақлаш тизимида энг тез ўсаётган носурат касалликлар гуруҳига айланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг 2023-йилги эпидемиологик ҳисботларига кўра, «...ошқозоничак тизими касалликлари юрак-қон томир ва нафас йўллари касалликларидан кейин дунёда ногиронликка олиб келувчи энг кўп учрайдиган сабаблар қаторига кирди. Ҳар йили бу гуруҳдаги касалликлар 2 миллиондан ортиқ ўлимга сабаб бўлаётгани, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 20 фоиздан ортиғида сурункали кечувчи шакллар қайд этилаётгани кўрсатиб ўтилмоқда...»¹. ЖССТ эксперtlари таъкидлашича, иссиқ иқлим зоналарида бу касалликларнинг учраши мўтадил иқлими ҳудудларга нисбатан 1,5–2,3 баравар юқори бўлиб, бу ҳудудлардаги юқори ташқи ҳарорат, сув-туз алмашинувининг бузилиши, озиқ-овқат рационидаги сифати ва микдорий етишмовчиликлар асосий хавф омиллари сифатида қайд этилган. Бу эса иссиқ иқлим шароитида яшовчи аҳолига мослаштирилган гигиеник-профилактик ёндашувларни ишлаб чиқиш глобал соғлиқни сақлаш сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини кўрсатади.

Жаҳонда иссиқ иқлим шароитида ҳароратнинг ҳар 1°Cга ошиши функционал диспепсия, гастроэзофагеал рефлюкс ва энтерит каби касалликлар бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада халқаро илмий адабиёт таҳлиллари шуни кўрсатадики, мавжуд дастурлар асосан умумий озиқланиш муаммоларини қамраб олган бўлиб, айнан овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг иссиқ иқлимга мослаштирилган профилактик моделини ишлаб чиқиш, иссиқ иқлими ҳудудларда аҳолининг биологик эҳтиёжларига мос рацион шакллантириш, хавф омилларини комплекс таҳлил қилиш ва илмий асосланган профилактика моделини яратишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида сурункали касалликларни камайтириш ва олдини олишга қаратилган маҳаллий рацион ишлаб чиқиш каби муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «....бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш....»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан

¹ WHO, 2015; 202). <https://www.frontiersin.org/journals/public-health/articles/10.3389/fpubh.2023.1202980/full>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ҳолда, иссиқ иқлим шароитида аҳоли орасида овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини камайтириш ҳамда олдини олиш мақсадида ахолининг овқатланиш рационини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитишни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018-йил 18-декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва ахолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020-йил 10-ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Ахолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, сурункали касалликларни олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳар қандай давлат соғлиқни сақлаш тизимининг энг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади (Н.В.Зайцева, 2018; А.А.Худайберганов, 2021; Г.В.Тимошева, 2016; Ю.В.Данилова, 2017;). Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари, хусусан Сурхондарё вилояти учун хос бўлган иссиқ иқлим шароитларида аҳоли орасида овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг юқори даражада тарқалиши кузатилади. Ушбу ҳолатни вужудга келтирувчи сабаблар орасида гигиеник шарт-шароитларнинг етарли эмаслиги, юқори ҳароратнинг микробиологик омиллар ривожланишига таъсири ҳамда аҳоли овқатланиш рационининг етарли даражада мувозанатлашмаганлиги асосий ўрин тутади (Д.Таджибаева, 2019; А.К.Турсунбаев, 2009; Н.В.Чумаков, 2016; А.С.Корнилов, 2015;). Қатор тадқиқотчилар (Gupta at al., 2018; Sharma & Verma, 2020; Б.А.Ревич, 2018; Ю.В.Ерофеев, В.В.Турбинский, 2017;) фикрига кўра, тропик ва субтропик ҳудудларда юқори ҳарорат ва намлик шароитларида овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг келиб чиқишида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари муҳим рол ўйнайди. Айниқса, Сурхондарё вилоятида ахолининг миллий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш одатлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг сақлаш шароитлари ва гигиеник кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар ҳозирги кунда

етарли даражада олиб борилмаган. Илмий манбаларда келтирилишича, аҳоли овқатланиш рационини аниқ бир маҳсулотнинг эпидемиологик, токсикологик ва гигиеник хусусиятларини ҳисобга олиб шакллантириш орқали меъда-ичак тизими касалликлари хавфини камайтириш мумкин (Ю.В.Данилова ва б., 2017; А.В.Истомин ва б., 2015; Г.И.Шайхова, 2024; Н.Ж.Эрматов, 2024; К.С.Голохваст, В.В.Чайка, Ю.А.Васянович, 2014;). Ўзбекистон шароитида эса миллий озиқ-овқат маҳсулотларини илмий асосланган ҳолда кундалик рационга киритиш орқали иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг профилактикасини такомиллаштириш муҳим долзарб йўналиш сифатида қаралмоқда (И.И.Новикова ва б., 2021; В.Ф.Рапута, Д.В.Симоненков, Б.Д.Белан, Т.В.Ярославсева, 2019;).

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари орасида овқатланиш ва унга боғлиқ касалликларни самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган даволовчи рационларнинг ўрни асослаш ва гигиеник жиҳатларини баҳолаш борасида қатор изланувчилар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Г.И.Шайхова, 2020; 2024; Н.Ж.Эрматов, 2019; 2024; 2025; А.С.Худойберганов, 2024; М.А.Хамрақурова, 2025; Д.Ш.Алимухамедов, 2024;), бироқ, Ўзбекистон иссиқ иқлим шароитларида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари профилактикасига тизимли ёндашилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт Университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03-4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфли омилларни бартараф этиш» (2018–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сурхондарё вилояти аҳолиси орасида иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари профилактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сурхондарё вилояти аҳолиси орасида овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг тарқалганлик даражасини, ёш ва жинс бўйича структурасини тиббий кўрикларга асосланиб баҳолаш;

беморларнинг турмуш шароити, турмуш тарзини белгиловчи ва касалланишига таъсири қилувчи омиллар мажмuinи ўрганиш, етакчи хавф омилларини баҳолаш;

беморларнинг қиши-баҳор ва ёз-куз фаслларида амалдаги фактик овқатланишини баҳолаш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитилган етти кунлик таомнома тақсимотини ишлаб чиқиш;

беморларнинг овқат ҳазм қилиш тизими касалликларидан касалланиш даражасини камайтиришга, ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмuinи ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида 2017-2024 йилларда Республика

жанубий минтақаси Сурхондарё вилояти аҳолисининг овқат ҳазм қилиш тизими касалликларидан касалланган беморлар, bemорларнинг турмуш тарзи, ҳақиқий овқатланиш тартиби, қунлик рацион таркиби ва сифати кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида аҳолининг овқат ҳазм қилиш тизими касалликларидан касалланиш даражаси, bemорларнинг турмуш тарзи, уларнинг овқатланиш рационы, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитишни такомиллаштиришда bemорларнинг қунлик рациони ва сон ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Сурхондарё вилояти аҳолиси орасида овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг тарқалганлик даражаси, bemорларнинг турмуш тарзи, уларнинг овқатланиш рационини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитишни такомиллаштиришда анкета-сўровнома, аналитик, биокимёвий, санитар-гигиеник ва санитар-статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор Сурхондарё вилоятининг иссиқ иқлим шароитида яшовчи аҳоли орасида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари динамикасининг ёш-жинс жиҳатдан комплекс таҳлили асосида уларнинг кўп тарқалганлигининг худудий ва демографик хусусиятлари аниқланган;

овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг ривожланишида минтақанинг иссиқ иқлими учун характерли тиббий-ижтимоий, гигиеник, иқлиний, географик ва хулқ-автор хавф омилларининг етакчи роли исботланган;

беморларнинг фактик овқатланишини мавсумий (қиши-баҳор ва ёз-куз даврлари) баҳолаш асосида овқат ҳазм қилиш тизими патологияларининг ривожланишига таъсир қилувчи озуқа моддаларининг мувозанати аниқланиб, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитилган, худуднинг иқлиний ва маданий хусусиятларига мос овқатланиш рациони ишлаб чиқилган;

овқатланиш тартибини ва турмуш тарзини коррекциялаш асосида ишлаб чиқилган профилактика чора-тадбирларнинг иссиқ иқлим шароитларда овқат ҳазм қилиш тизими касалликлар даражасини пасайтиришда самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари даражаси динамикада ёш, жинс бўйича мурожаатлар ҳамда тиббий кўрик маълумотларига асосан баҳоланган;

овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари билан касалланган bemорларнинг турмуш тарзи ва шароити ўрганиш асосида касалликларга олиб келувчи хавф омиллар аниқланиб, улар асосида касалликларни эрта аниқлаш, олдини олиш учун прогностик жадвал ишлаб чиқилган;

овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари билан касалланган bemорларнинг ҳақиқий овқатланиш ҳолати сон ва сифат кўрсаткичи баҳоланган;

овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари билан касалланган bemорлар

учун маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитилган етти кунлик парҳез овқатланиш рационининг янги муқобил шакли тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усувлар, олиб борилган тадқиқотларнинг услугбий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, озиқ-овқат намуналари сонининг етарлилиги, қўлланилган усувларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган анкета-сўровнома, аналитик, санитар-гигиеник ва санитар-статистик усувлар асосида иссиқ иқлим шароитида ошқозон-ичак тизими касалликлари билан касалланган беморлар овқатланиш рационини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитишни такомиллаштиришда ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари билан касалланган беморларнинг кунлик овқатланиш рационини озукавий ва биологик қийматининг ўзига хос хусусиятлари, нутриентив статусига таъсир қилувчи гигиеник омилларнинг ўрни тўғрисида замонавий маълумотлар, ахолининг овқатланиш ҳолатини гигиеник мониторингини амалга оширишнинг ўрнини баҳолашга қаратилган назарий асослар яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иссиқ иқлим шароитида беморларнинг кунлик овқатланиш ҳолатини гигиеник таҳлил қилишда турмуш тарзи ва шароити, заарли омиллар билан боғлиқ бўлган саломатлик ҳолатидаги ўзгаришларни олдини олишга қаратилган янги кунлик рацион ва унинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган услуг, илмий асосланган овқатланиш меъёрлари ва миллий таомларни инобатга олган ҳолда тавсиялар ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон иссиқ иқлим шароитларида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари профилактикасига тизимли ёндашув бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Биринчи илмий янгилик: илк бор Сурхондарё вилоятининг иссиқ иқлим шароитида яшовчи аҳоли орасида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари динамикасининг ёш-жинс жиҳатдан комплекс таҳлили асосида уларнинг кўп тарқалганлигининг худудий ва демографик хусусиятлари аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тибиёт академияси Термиз филиалининг мувофиқлаштириш эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 12 декабрда 85-24-сон билан тасдиқланган «Иссиқ иқлим шароитида сурункали ошқозон-ичак касалликларида парҳезни оптималлаштириш» номли услугбий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тибиёт маркази бўйича 28.02.2025 йилдаги 79-I/CH-сон ҳамда Хоразм вилояти кўп тармоқли тибиёт маркази бўйича 14.03.2025 йилдаги 66-1-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22-майдаги 18/65-сон

холосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими билан касалланган беморларнинг кунлик овқатланиш рационини гигиеник талаблари асосида ташкиллаштириш натижасида уларнинг саломатлик ҳолатини яхшилаш, тартибсиз овқатланиш натижасида алиментар касалликларни олдини олиш ва овқатланиш статусини бузилишини бартараф этиш, беморларнинг турмуш тарзи ва шароитига боғлиқ хавф омиллар таъсирида юзага келадиган касалликларни камайтириш, олдини олиш натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, алиментар омиллар билан боғлиқ касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олиш имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги*: иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари туфайли ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш, уларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини яхшилаш орқали бир йилда бир ногирон шахс учун 8376000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг ривожланишида минтақанинг иссиқ иқлими учун характерли тиббий-ижтимоий, гигиеник, иқлиний, географик ва хулқ-атвор хавф омилларининг етакчи роли исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалининг мувофиқлаштириш эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 12-декабрда 85-24-сон билан тасдиқланган «Иссиқ иқлим шароитида сурункали ошқозон-ичак касалликларида парҳезни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 28.02.2025 йилдаги 79-І/СН-сон ҳамда Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 14.03.2025 йилдаги 66-1-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22-майдаги 18/65-сон холосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими билан касалланган беморларнинг кунлик овқатланиш рационини гигиеник талаблари асосида ташкиллаштириш натижасида уларнинг саломатлик ҳолатини яхшилаш, тартибсиз овқатланиш натижасида алиментар касалликларни олдини олиш ва овқатланиш статусини бузилишини бартараф этиш, беморларнинг турмуш тарзи ва шароитига боғлиқ хавф омиллар таъсирида юзага келадиган касалликларни камайтириш, олдини олиш натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, алиментар омиллар билан боғлиқ касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олиш имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги*: иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари туфайли ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш, уларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини яхшилаш орқали бир йилда бир ногирон шахс учун 8376000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: беморларнинг фактик овқатланишини мавсумий (қиши-баҳор ва ёз-куз даврлари) баҳолаш асосида овқат ҳазм қилиш тизими патологияларининг ривожланишига таъсир қилувчи озуқа моддаларининг мувозанати аниқланиб, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан

бойитилган, ҳудуднинг иқлимий ва маданий хусусиятларига мос овқатланиш рациони ишлаб чиқилганилиги бўйича таклифлар Тошкент тибиёт академияси Термиз филиалининг мувофиқлаштириш эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 12-декабрда 85-24-сон билан тасдиқланган «Иссиқ иқлим шароитида сурункали ошқозон-ичак касалликларида парҳезни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тибиёт маркази бўйича 28.02.2025 йилдаги 79-I/CH-сон ҳамда Хоразм вилояти кўп тармоқли тибиёт маркази бўйича 14.03.2025 йилдаги 66-1-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22-майдаги 18/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими билан касалланган беморларнинг кунлик овқатланиш рационини гигиеник талаблари асосида ташкиллаштириш натижасида уларнинг саломатлик ҳолатини яхшилаш, тартибсиз овқатланиш натижасида алиментар касалликларни олдини олиш ва овқатланиш статусини бузилишини бартараф этиш, беморларнинг турмуш тарзи ва шароитига боғлиқ хавф омиллар таъсирида юзага келадиган касалликларни камайтириш, олдини олиш натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, алиментар омиллар билан боғлиқ касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олиш имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари туфайли ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш, уларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини яхшилаш орқали бир йилда бир ногирон шахс учун 8376000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: овқатланиш тартибини ва турмуш тарзини коррекциялаш асосида ишлаб чиқилган профилактика чора-тадбирларнинг иссиқ иқлим шароитларда овқат ҳазм қилиш тизими касалликлар даражасини пасайтиришда самарадорлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тибиёт академияси Термиз филиалининг мувофиқлаштириш эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 12-декабрда 85-24-сон билан тасдиқланган «Иссиқ иқлим шароитида сурункали ошқозон-ичак касалликларида парҳезни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тибиёт маркази бўйича 28.02.2025 йилдаги 79-I/CH-сон ҳамда Хоразм вилояти кўп тармоқли тибиёт маркази бўйича 14.03.2025 йилдаги 66-1-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22-майдаги 18/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими билан касалланган беморларнинг кунлик овқатланиш рационини гигиеник талаблари асосида ташкиллаштириш натижасида уларнинг саломатлик ҳолатини яхшилаш, тартибсиз овқатланиш натижасида алиментар касалликларни олдини олиш ва овқатланиш статусини бузилишини бартараф этиш, беморларнинг турмуш тарзи ва шароитига боғлиқ хавф омиллар таъсирида юзага келадиган касалликларни камайтириш, олдини олиш

натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, алиментар омиллар билан боғлиқ касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олиш имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самараадорлиги*: иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари туфайли ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш, уларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини яхшилаш орқали бир йилда бир ногирон шахс учун 8376000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробатцияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хуласа ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот обьекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг долзарб муаммолари ва уларнинг ечимига замонавий ёндашувлар**» деб номланган биринчи бобида мавзуни асослашда хорижий ва маҳаллий илмий манбаларнинг таҳлили келтирилган. Ушбу бобда иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг турли худудларда тарқалганлиги, динамикаси ва касалланиш ва унга таъсир қилувчи хавф омилларнинг ўрнини гигиеник таҳлили ва уларни камайтиришга қаратилган маҳаллий маҳсулотлардан иборат бўлган рацион ва уни таъсирида зарарли омилларнинг аҳоли саломатлик ҳолатига таъсирини олдини олишга қаратилган рацион ишлаб чиқиш ва коррексиялаш мақсадида принципиал муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Иссиқ иқлим шароитларида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари профилактикасига тизимли ёндашув баҳолаш материал ва усувлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг обьекти ва предмети, шунингдек, қўлланилган усувлари баён қилинган.

Тадқиқотлар Тошкент давлат тиббиёт университети Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида Республикализнинг жанубий ҳудуди Сурхондарё вилоятида овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг 2017-2022 йилларда тарқалганлик динамикаси, даражаси вилоят ҳамда туманлар кесимида таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида Термиз шаҳар, Термиз, Ангор, Жарқўрғон, Шеробод туманларида бирламчи тиббиёт муассасаларига мурожаат, ўтказилган тиббий кўрик натижалари, ихтисослашган стационарларга ётқизиш ҳолатларини ёш, жинс бўйича таҳлили ўтказилган.

Тадқиқотнинг учинчи босқичида овқат ҳазм қилиш тизими касаллигига олиб келувчи хавф омилларни ўрганиш учун аналитик тадқиқот усусларидан ҳодиса-назорат усули қўлланилди. Бунинг учун 300 нафар касалланганлар (ҳодиса) ва 300 нафар соғлом шахслар тадқиқотга жалб қилинган.

Тадқиқотнинг тўртинчи босқичида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари билан касалланган беморларнинг кунлик овқатланиш рационининг озуқавий қиймати йилнинг қиши-баҳор-ёз-қуз мавсумлари учун алоҳида 12 та кўрсаткич бўйича 10 кун давомида беморларнинг истеъмол қилган аниқ маҳсулотларини ҳисоб-китоб усулида баҳоланган ва СанНваҚ 0007-20 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ёшга, жинсга ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишини таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш нормалари» талаблари бўйича амалга оширилган.

Кунлик рационда асосий озиқа моддалар ва энергетик қиймати кунлик рационнинг кимёвий таркибининг миқдори «Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби» бўйича ҳисобланган.

Аҳолининг касалланиш даражаси XKT,10 (1993) бўйича таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган.


Диссертациянинг «Сурхондарё вилояти аҳолиси ўртасида овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг тарқалиш хусусиятлари ва эпидемиологик таҳлили» деб номланган учинчи бобида вилоятда овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг тарқалганлик кўрсаткичлари динамикада таҳлил қилинган.

Халқаро касалликлар таснифининг X-қайта кўрилган таҳриридаги (XKT-10) XI синфи K00-K93 орасида жойлашган бўлиб, бу касалликлар турли этиология ва клиник кўринишларга эга. Улар қаторига қўйидагилар киради: ўткир гастрит (K29.4), сурункали атрофик гастритлар, дуоденитлар (K29.5, K29.6-K29.9), гижжа (K40-K46), ичакнинг бошқа касалликлари (K55-K63), юқумли бўлмаган энтерит ва колитлар (K50-K52), қорин пардаси касалликлари (K65-K67). XI синф - «Ҳазм қилиш аъзолари касалликлари» (K00-K93) нафақат клиник жиҳатдан полиморф бўлиб, балки таркибидаги

нозологиялар сони жиҳатидан ҳам энг кўп гуруҳ ҳисобланади.

Тадқиқотда Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларида 2017-2024 йиллар учун динамик таҳлил олиб борилди. Унда умумий XI синф К00-К93 бўйича, ҳамда меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси (K25-K26) ва ўт пуфаги касалликлари, холецистит, холангит (K80-K83.9) каби аниқ нозологиялар кесимида тарқалиш ва бирламчи касалланиш тенденциялари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Сурхондарё вилояти Республикализнинг айнан иссиқ иқлим шароитига мансуб вилоятлардан бири ҳисобланади. Вилоятда овқат ҳазм қилиш тизими касалликларидан ошқозон-ичак касалликлари (ОИК) билан аҳолининг касалланиш динамикаси 2017-2024 йиллар давомида ўрганиш шуни кўрсатдики, касалликнинг қайд этилиш ҳолати бўйича камайиш тенденциясига эга. Хусусан, 2017-йил касаллик кўрсаткичи 10 000 аҳолига нисбатан 768,8 ни ташкил қилган бўлса, 2022-йил 439,7 қайд этилган, яъни 6 йил давомида 56,1% га камайганлиги аниқланган. 18-65 ёш аҳоли гурухи ўртасида ҳам худди шундай камайиш тенденциясига эга бўлиб, мос равища 468,9 ва 272,3 ни ташкил қилган ҳолда 58,0% га камайган (1-расмга қаранг).



1-расм. Овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг йиллар кесимида динамикаси (мазкур ёшдаги 10 000 аҳолига нисбатан)

2023-йилдан бошлаб ОИК билан аҳолининг касалланиш кўрсаткичлари яна ортиши кузатилди, хусусан 2023-йилда 10 000 аҳолига нисбатан 582,3 ни ташкил қилган бўлса, 2024-йил 650,4 қайд этилган. Охирги 3 йил давомида 32,3% га ошган.

Аҳоли орасида ОИКларининг тарқалганлигини ҳамда аҳолининг мазкур касалликдан касалланиш даражасини ўрганиш учун аҳоли орасида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.


1-жадвал

Сурхондарё вилоятида 2017-2024 йиллар давомида овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг тарқалганлиги (мазкур ёшдаги 10 000 аҳолига нисбатан)

Ёш гурухлари	Йиллар							
	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
жами	768,8	763	699,9	551,7	497,1	439,7	582,3	650,4
15-17 ёш	87,0	81,7	69,1	59,2	49,8	45,3	61,3	75,6
18-65 ёш	464,9	531,0	448,4	350,9	321,8	272,3	390,7	480,7
65 ёшдан катта	35,4	35,5	36,3	29,4	42,3	38,9	42,4	48,7

Умуман олганда, овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари аҳоли орасида тарқалганлик даражаси камайишига қарамасдан, 65 ёшдан катта аҳоли гурухи ўртасида мазкур касалликнинг тарқалганлик даражаси ортиб бориши қайд этилган. Хусусан, 2017-йилда мазкур ёш гуруҳидаги 10 000 аҳолига нисбатан қўрсаткич 35,4 ни ташкил қилган бўлса, 2022-йил 38,9 га тенг бўлган, яъни 9,3 % га ортганилиги аниқланган.

Биз Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларида аҳоли орасида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари жумладан, ОИКларининг тарқалганлигини ўрганиш мақсадида охирги 3 йил маълумотларини (2022, 2023, 2024) чуқур таҳлил қилдик.



2-расм. Ошқозон-ичак касалликларининг ёшлар кесимидағи охирги 3 йилдаги динамикаси (мазкур ёшдаги 10 000 аҳолига нисбатан)

2-расмдан кўриниб турибдики, охирги 3 йилда вилоятда ОИК билан аҳолининг барча ёш гурухларида динамикада ўсиш қайд қилинди. Жинсга боғлиқлигини таҳлил қиласидан бўлсан, касаллик аёлларга қараганда эркакларда кўпроқ учраши аниқланди. Эркакларда 2022-йилда 10 000 аҳолига 180,8 ни ташкил қилган бўлса, у 2024-йилда 220,4 ни ташкил қилди, яъни у 39,6% га ошганлиги аниқланди.

Ошқозон-ичак тракти касалликлари ва ёндош касалликлар тузилмасини кўриб чиққанимизда қўйидагича натижалар олинди: ошқозон-ичак касалликлари+камқонлик (37,4%), ошқозон-ичак касалликлари+пиелонефрит (21,7%), ошқозон-ичак касалликлари+гепатит (29,6%) ва ошқозон-ичак

касаллуклари+холецистит (7,0%). Камроқ қайд этилганлар: ошқозон-ичак касаллуклари+ревматизм-2,6%, ошқозон-ичак касаллуклари+остеохондроз-1,0% ва ошқозон-ичак касаллуклари+ спленопатиялар -1,0%. Вилоят күп тармоқли тиббиёт марказининг гастроэнтерологик бўлимларига ётқизилган bemorlar маълумотлари асосида стационар касалланиш тузилмасида қуидаги касаллуклар устунлик қилди: сурункали панкреатит, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси, сурункали холецистит, гастродуоденит, гепатитлар ва жигар циррозлари (3-расмга қаранг) - улар жами ҳолда ушбу синф бўйича стационарга ётқизиш сабабларининг 94% ни ташкил этди. Шу тарзда, ҳам вилоят бўйича умумий ҳолат, ҳам алоҳида туманлар бўйича БТСЁ муассасаларига мурожаатлар асосида олинган касалланиш кўрсаткичлари 2023-йил бошига келиб профилли bemorlar учун қўшимча ихтинослаштирилган тиббий ёрдамни такомиллаштириш зарур.




3-расм. Ошқозон-ичак касаллуклари тузилмаси (%)

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот натижаларимиздан овқат ҳазм қилиш аъзолари касаллуклари тарқалганигининг ишончли кўрсаткичлари аниқланди. Шунингдек жамоат саломатлигига оид ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар қайд этилди. Овқат ҳазм қилиш аъзолари касаллукларини фаол аниқлаш, диспансер назоратга олиш, касаллуклар профилактикаси тўғрисида аҳолининг тиббий билимларини ошириш ушбу касаллукларни олдини олишда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди.

Диссертациянинг «**Овқат ҳазм қилиш тизими касаллукларининг иссиқ иқлим шароитида сурункалашувига олиб келувчи омилларни тиббий-гигиеник баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида иссиқ иқлим шароитида аҳоли орасида овқат ҳазм қилиш тизими касаллукларидан ошқозон-ичак касаллуклари хавф омилларини ўрганиш натижалари келтирилган. Иссиқ иқлим шароитида аҳоли орасида ошқозон-ичак касаллуклари хавф омилларини аниқлаш учун уларнинг турмуш тарзи ва

турмуш шароити ўрганилди. Бунинг учун Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри кўп тармоқли тиббиёт маркази гастроэнтерология бўлимида даволанаётган 180 нафар бемор (асосий груп) ва 98 нафар ушбу касаллик билан хасталанмаган, бироқ аналогик шароитда истиқомат қиласидиган (назорат гуруҳидаги) соғлом шахслардан сўров интервью ўтказилди. Уларнинг ёш оралиғи 30-60 ёшни ташкил қиласиди (ўртача ёш $41,4 \pm 2,5$). Бу bemорлар ўткир гастродуоденит, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги қўзиш даври, сурункали панкреатит, сурункали холецистит ташхислари билан гастроэнтерология бўлимида даволанганди. Тадқиқотга жалб қилинганди bemорларнинг ошқозон-ичак касалликлари билан боғлиқ муаммолар $34,1 \pm 20,2$ ойни ташкил этди. Bеморлар орасида овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари давомийлиги ($p < 0,001$) 13 ойдан 36 ойгacha (43,3%) бўлган шахслар етакчилик қиласиди (4-расм).



4-расм. Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари ривожланиш давомийлиги

Тадқиқотга киритилган bemорларнинг катта қисми ($p < 0,001$) (77,5%) аввал турли мутахассисларга шикоят қилишган, аммо улардаги асосий касалликни ҳисобга олмасдан даволаш уларнинг қисқа муддатли яхшиланишига олиб келган, ёки даво муолажалари муваффақиятсиз бўлган, баъзи ҳолларда уларда кучли оғриқлар бўлган.

Батафсил анамнезтик маълумотлар йиғиш жараёнида bemорларда сурункали касалликларга олиб келадиган бир қатор омиллар аниқланди.

Хавф омилларини ўрганиш учун биз омилларни 2 катта гурухга бўлдик: ижтимоий-гигиеник омиллар (турмуш тарзи омиллари); овқатланишга боғлиқ омиллар.

Турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган заарли одатлар ҳар қандай касалликнинг кечишига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, чекиши, спиртли ичимликларни қабул қилиш овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари, сурункали ошқозон-ичак касалликларини келиб чиқишига, организм иммун тизимининг пасайишига, бунинг натижасида эса йўлдош касалликларнинг келиб чиқишига туртки бўлади. Таҳлил натижаларига кўра bemорларнинг 27,8%, назорат гуруҳидагиларнинг эса 22,3% тамаки чекишини тасдиқлаган. Чекувчиларнинг 64,0% кунига 10-20 тагача тамаки чекишини айтган. Назорат гурухидаги эса бу кўрсаткич 41,4% ни ташкил қиласиди. Bеморлар билан суҳбат ўтказганда чекишининг организмга таъсирини 16,7% bemор билмаслигини,


32,9% эса организмга чекиш ҳеч қандай салбай таъсир қўрсатмаслигини таъкидлаган. 7,2% бемор чекишни ташлаган.

Спиртли ичимликларни ичиш айниқса ошқозон-ичак касалликлари ривожланишига сабаб бўлувчи етакчи омиллардан биридир. Беморларнинг (эркак) 71,8% спиртли ичимликларни қабул қиласди. Кўпроқ спиртли ичимликларнинг қайси турини қабул қилишига кўра биз ичадиган контингентларни 5 гурухга бўлдик. Ичувчи bemorларнинг 17,7% ҳафтасига 2-3 марта, 7,8 % - 4 марта, 74% эса алоҳида сабабларга кўра спиртли ичимликларни истеъмол қилишини таъкидлашган. Беморларнинг 0,5% спиртли ичимликни деярли ҳар куни қабул қилишини айтган.

Кунлик режимни тўғри ташкил қилиш, дам олиш, тоза ҳавода сайд, жисмоний машқлар ва спорт турлари билан шуғулланиш кўпгина касалликлар профилактикасида, ҳаттоқи уни даволашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Таҳлил натижаларига кўра асосий гурухда тоза ҳавода сайд қилиш ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш давомийлиги 3 соатгача бўлган респондентлар 6,8% ни, 2 соатгача бўлганлар - 13,1%, 3 соатгача бўлганлар - 17,7% ни ташкил қиласди. Беморларнинг 62,4% жисмоний тарбия билан умуман шуғулланмаслигини таъкидлашган. Назорат гуруҳида эса бу қўрсаткич 38,5% ни ташкил қиласди.

ОИКнинг кечишига руҳий-эмоционал омиллар сезиларли равища таъсир қиласди. Руҳий эмоционал бузилишлар, стресслар касаллик клиник кечишини оғирлаштириб, касалликнинг қўзишига сабаб бўлади.


Сўровнома натижасида овқат ҳазм қилиш тизими билан касалланган bemorлар оиласидаги уруш-жанжал, келишмовчиликларнинг мавжудлиги уларнинг руҳиятига қаттиқ таъсир ўтказганлиги аниқ бўлди (5-расмга қаранг). Беморларнинг 42,9% да бу ҳолат ўз аксини топган. Назорат гуруҳида эса бу ҳолат 33,4% га teng. Беморлар саломатлик ҳолати, унинг яхшиланиши ўзининг тиббий фаоллиги, ўз саломатлигига муносабати, тиббий хизматга эътибори, шунингдек, нечоғлик тиббий билимга эга бўлишига боғлиқ. Олиб борилган тадқиқот натижалари bemorларнинг 11,4% тиббиётга оид адабиётларни умуман ўқимаслигини тасдиқлади. Беморларни парваришга оид маълумотларни ҳам bemorлар тиббиётга оид қўрсатувлардан (19,4%), оммабоп адабиётлардан (10,2%), ишхонада ўтказиладиган маърузалардан (11,75%), ижтимоий тармоқлардан (65%), тиббиёт ходимларининг суҳбатидан (9,9%), таниш-биродарларининг суҳбатидан (14,5%) ва оила аъзоларидан (13,1%) олишини таъкидлашган.



5-расм. Ижтимоий-гигиеник омиллар

Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари келиб чиқишида овқатланишга боғлиқ омиллар алоҳида ўрин тутади. Тадқиқот жараёнида асосий ва назорат гурухидагиларнинг овқат рационига ҳам эътибор қаратдик. Унга кўра беморлар орасида ун, дуккакли маҳсулотлар, сут, гўшт маҳсулотлари, балик, мева ва сабзавотларни етарли микдорда қабул қилиш 66% ни ташкил қилади. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич 77,4% га teng. Демак, беморларда овқатланиш режими тўғри ташкил қилинмаган. Овқатланиш рационида меъёрга эътибор берилмайди.

Жумладан, овқатланишнинг регулярлиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг хилма хиллиги, овқатни меъёрдан кўп истеъмол қилиш, кечқурун кучли овқатларни истеъмол қилиш, аччиқ овқатларни хуш кўриш, аччиқ чой кофени кўп ичиш, спиртли ичимликлар ичиш каби омиллар етакчилик қилади (6-расм).



6-расм. Овқатланишга боғлиқ етакчи омиллар

Диссертациянинг «Сурункали ошқозон-ичак касалликларида овқатланишни баҳолаш ва парҳезни оптималлаштириш» деб номланган бешинчи бобида bemorlarning ovqatlaniш xususiyatlariни баҳолаш, oziқ-ovqat maҳsulotlariini kunlik isteъmolni taҳvilil қилинган.

